

1/2023,
yanvar-
fevral
(№ 00063)



КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Алимардонов Илхом Музрабшохович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, иқтисодиёт
фанлари доктори (DSc). Тошкент, Ўзбекистон.*

alimardonovilkhom1971@gmail.com

ORCID: 0000-0002-7190-4133

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a1

Аннотация

Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва модернизация қилиш бевосита уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятига боғлиқ. Шу сабабли, кичик тадбиркорлик субъектларини банklar томонидан кредитлаш кўламини кенгайтириш Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мақолада кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кичик тадбиркорлик субъекти, кредит, фоиз ставкаси, девальвация, инфляция.

ВОЗМОЖНОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАКТИКИ КРЕДИТОВАНИЯ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА

Алимардонов Илхом Музрабшохович

*доктор экономических наук (DSc), профессор, Ташкентский государственный
экономический университет. Ташкент, Ўзбекистон.*

alimardonovilkhom1971@gmail.com

Аннотация

Расширение и модернизация деятельности субъектов малого предпринимательства непосредственно зависит от их возможности пользоваться кредитами коммерческих банков. Поэтому, расширение масштаба кредитования субъектов малого предпринимательства банками является одним из приоритетных направлений реформирования банковской системы Узбекистана. В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с совершенствованием практики кредитования субъектов малого предпринимательства и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: коммерческий банк, субъект малого предпринимательства, кредит, процентная ставка, девальвация, инфляция.

OPPORTUNITIES FOR IMPROVING THE PRACTICE OF LENDING TO SMALL BUSINESS SUBJECTS

Alimardonov Ilkhom Muzrabshoxovich

Doctor of Economic Sciences (DSc), professor, Tashkent State University of Economics, Tashkent, Uzbekistan. alimardonovilkhom1971@gmail.com

Abstract

The expansion and modernization of the activities of small businesses directly depends on their ability to use loans from commercial banks. Therefore, expanding the scale of lending to small businesses by banks is one of the priority areas for reforming the banking system of Uzbekistan. In the article, actual problems related to the improvement of the practice of lending to small business entities were identified and scientific proposals aimed at solving them were developed.

Key words: commercial bank, small business entity, credit, interest rate, devaluation, inflation.

Кириш

2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

А. Стахнюкнинг хулосасига кўра, кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган асосий муаммолар қуйидагилардан иборатдир:

– кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш механизмини етарли даражада ривожланмаганлиги;

– гаров объектлари сифатининг паст эканлиги;

– миқдорнинг ошқора эмаслиги (“хуфёна” даромадлар даражасининг юқори эканлиги; миқдорнинг молиявий ҳолатини, унинг кредит тўловига лаёқатлилигини объектив баҳолаш учун зарур бўлган ишончли манбаларнинг етарли эмаслиги; жорий ҳисобрақамлар бўйича айланмаларнинг мавжуд эмаслиги; тушумнинг асосий оқимларини нақд пулларда ўтаётганлиги ва бошқ.);

– иқтисодий (молиявий) билимларнинг етарли эмаслиги (бизнес-режаларнинг сифатини паст эканлиги; кредитлаш мақсадлари, банк маҳсулотларининг моҳиятини аниқ тушунишнинг, банк билан ишлаш тажрибасининг мавжуд эмаслиги; бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тўлиқ эмаслиги ва бошқ.);

– иқтисодийнинг реал секторидаги бир йилдан ортиқ муддатдаги инвестициялар учун зарур бўлган ресурсларнинг, айниқса, арзон ва узоқ муддатли ресурсларнинг етарли эмаслиги;

– кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги қонунчиликнинг такомиллашмаганлиги банкларга юқори рискли битимларни молиялаштириш имконини бермаётганлиги [2].

В. Сафаряннинг фикрига кўра, факторинг реал бозор салоҳиятига – товарларни сотиш ҳажмини ўстириш учун имкониятга эга бўлган, лекин айланма маблағлари

етишмайдиган кичик корхоналар учун кредитлашнинг истиқболли шакли ҳисобланади [3].

Фикримизча, В. Сафаряннинг ушбу хулосаси Ўзбекистон учун амалий аҳамият касб этади. Чунки, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилаётган шароитда иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдириш ва товарларни сотиш ҳажмини ўстиришга тўсқинлик қилади. Бундай шароитда факторинг кредитлари уларнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим воситасига айланиши мумкин.

М.Юнуснинг хулосасига кўра, энди иш бошлаётган кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашда асосий эътибор кредитлашнинг ижтимоий самарасига қаратилиши керак. Тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари кенгайгандан сўнг, улар бозор ставкаларида бериладиган кредитларга бўлган талабнинг ошишига сабабчи бўлишади [4].

Д.Савинованинг фикрига кўра, кичик тадбиркорликни кредитлашда бозорнинг ҳар бир сегменти учун алоҳида кредит хизмати кўрсатиш зарур [5].

Ж.Синкининг фикрига кўра, АҚШда кичик бизнесга молиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида тижорат банклари етакчилик қилади ва уларнинг молиявий хизматлари таркибида муддатли кредитлар бериш, лизинг кредитлари бериш ва уларни кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш муҳим ўрин эгаллайди [6].

Фикримизча, Ж.Синкининг кредит линияси очиш йўли билан кичик бизнес субъектларини кредитлаш хусусидаги фикри республикамиз банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эга. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, кичик бизнес субъектларини кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш мамлакатимиз банк амалиётида кенг қўлланилмайди; иккинчидан, кредитлашнинг мазкур шаклини бир қатор афзалликларга эга эканлиги иқтисодчи олимлар томонидан исботланган [7].

Ф.Аллен ва Д.Гейл кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштиришнинг икки тизими – банклар фаолиятига асосланган тизим ва молия бозорларига асосланган тизимнинг мавжудлигини эътироф этишади ва бунда биринчи тизимнинг нисбатан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашади [8].

Фикримизча, Ф.Аллен ва Д.Гейлнинг мазкур хулосаси ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур мамлакатларда кичик бизнесни кредитлаш тизимида тижорат банклари етакчи мавқега эга; иккинчидан, кичик бизнес субъектлари учун қимматли қоғозлар бозори орқали ресурслар жалб қилиш имконияти мавжуд эмас.

Ж.Шанел-Рейно ва Э.Блуанинг хулосасига кўра, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналар билан алоқаларининг яхши йўлга қўйилиши уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятини оширади. Чунки, йирик корхоналар кичик ва ўрта корхоналар билан ишбилармонлик муносабатларига киришишдан олдин уларнинг бозор талабларига жавоб бера олишини таҳлил қилади. Шунингдек, йирик корхона ҳамкори бўлган кичик ва ўрта корхоналарнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилади [9].

Х. Бербекованинг фикрига кўра, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини диверсификация қилишда кластерлар муҳим ўрин тутади [10].

К.Гронхауг ва Т.Лорензенларнинг хулосасига кўра, кичик бизнес субъектларининг экспортини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимида субсидиялар муҳим ўрин тутди [11].


Мавзуга оид адабиётлар таҳлили кўрсатадики, биринчидан, кичик бизнес субъектларини кредитлаш тизимида тижорат банклари етакчилик қилади; иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан алоқаларини яхши йўлга қўйилиши уларнинг тўловга қобиллик даражасини ошишига хизмат қилади; учинчидан, кичик бизнес субъектларида бошланғич капитални етишмаслиги муаммосининг мавжудлиги уларни кредитлаш жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтиради.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг замонавий босқичида хўжалик юритувчи субъектларни, шу жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш жараёнини коронавирус пандемияси шароитида қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, коронавирус пандемияси сабабли молиявий қийинчиликка дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг дастурлар доирасидаги 1,1 трлн. сўмлик кредитларининг тўлов муддати 6 ойга, яъни 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябрга қадар узайтирилди [12].

Гарчи 2020 йилнинг март-сентябрь ойлари давомида республикада коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар кучайтирилган бўлсада, давлат дастурлари доирасида молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг мавсумийлигини инобатга олган ҳолда кредитлашга алоҳида эътибор берилди.

2017 йил 5 сентябрда валюта муносабатларини либераллаштирилиши муносабати билан миллий валюта-сўм кескин девальвация қилинди, яъни девальвация суръати қарийб икки баробарни ташкил этди. Бунинг натижасида кичик тадбиркорлик субъектларининг хорижий валюталарда олинган кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатлари миқдори ошиб кетди. Бу эса, ўз навбатида, хорижий валюталардаги кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларни компенсация қилиш заруриятини юзага келтирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юкини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, тижорат банкларидан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этиш тартиби жорий этилди [13].



1-расм. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, млрд. сўм [14].

1-расм маълумотларидан кўринадики, республика тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдори 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, аммо, мазкур кредитлар миқдори 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- коронавирус пандемиясининг кичик тадбиркорлик субъектларининг тўловга лаёқатлилигига салбий таъсир кўрсатди;

- пандемия тижорат банкларининг кредитлар бериш салоҳиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилиги бевосита уларнинг рентабеллигига боғлиқ. Уларнинг рентабеллиги эса, ўз навбатида, таннархнинг тушум ҳажмидаги салмоғини ўзгаришига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, республикада 2020 йилдан бошлаб инфляцион таргетлаш режимини босқичма-босқич жорий этилаётганлиги кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

2021 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 436 мингдан ортиқ лойиҳага жами 59,6 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган.

2021 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 13,6 мингта лойиҳасини молиялаштириш учун 2,2 млрд. АҚШ доллари миқдорида, жумладан, тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 14 мингтадан ортиқ лойиҳаларга 1,9 млрд. АҚШ доллари (86 фоиз) миқдорида кредитлар йўналтирилган. Мазкур кредит маблағларининг 1 420 млн. АҚШ доллари (65 фоиз) саноат соҳаси, 258 млн. АҚШ доллари (12 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳаси, 253 млн. АҚШ доллари (12 фоиз) хизмат кўрсатиш соҳаси ҳамда 250

млн. АҚШ доллари (11 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳаси субъектларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юкланди [15].

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, 2021 йилда инфляциянинг йиллик даражаси республикамизда 9,8 фоизни ташкил этди [16].

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари талаб қилаётган юқори ликвидли гаров объектлари кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмаслиги, мазкур субъектларда дебитор қарздорликнинг айланиш тезлиги паст эканлиги, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги, банклар томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг факторинг, овердрафт ва контокоррент шаклларининг мавжуд эмаслиги кичик тадбиркорлик субъектларини банклар томонидан кредитлаш амалиётидаги долзарб муаммолар ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Кичик тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томонидан кредитлаш кўламини кенгайтириш уларнинг тўловга лаёқатлилиқ даражасини ошириш ҳамда кредитлар фоиз ставкаларининг паст ва барқарор даражасини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Эквиваленти 1 миллион АҚШ долларигача бўлган хорижий валютадаги кредитлар бўйича давлат томонидан компенсация тақдим қилиш тартибини жорий этилганлиги кичик тадбиркорлик субъектларининг банкларнинг хорижий валюталардаги кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мамлакат тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар миқдорини 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, мазкур кредитлар миқдорини 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги коронавирус пандемиясининг кичик тадбиркорлик субъектларининг тўловга лаёқатлилигига салбий таъсир кўрсатганлиги ва пандемия тижорат банкларининг кредитлар бериш салоҳиятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, тижорат банкларининг кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини инновацион кредитлаш шаклларини жорий қилиш орқали такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, кичик тадбиркорлик субъектларини овердрафт ва контокоррент шаклларида кредитлаш тартиби, юзага келадиган кредит рискинни пасайтириш йўллари, жорий ҳисобрақамнинг дебетли ва кредитли қолдиғига фоизлар тўлаш механизми махсус йўриқномада ўз аксини топиши лозим; иккинчидан,

регресс ҳуқуқи ва регресс ҳуқуқсиз товар ҳужжатларини сотиб олишга асосланган факторинг кредитларини амалиётга жорий қилиш керак; учинчидан, кичик тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатадики, овердрафт кредитлари таъминотсиз берилади. Бундай шароитда кредит риси даражасини пасайтириш учун миждан оининг сўнги кунда жорий ҳисобрақамда кредитли қолдиқ бўлишини таъминлаш талабини қўйишга тўғри келади. Республикамиз амалиётида эса, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигининг қўлланилаётганлиги овердрафт ва контокоррент шакларида кредитлашни тижорат банклари учун юқори рискли шакллarga айлантиради. Бунинг натижасида, тижорат банклари кредитлашнинг мазкур шакларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлмайдилар.

Агар контокоррент кредитлаш шаклида контокоррент ҳисобрақамининг дебетли ва кредитли қолдиғига фоиз ҳисоблаш тартиби алоҳида йўриқномада белгилаб қўйилмаса, у ҳолда, банклар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин.

Шунингдек, мазкур йўриқномада овердрафт ва контокоррент кредитларига фоиз тўловларини қайси усулда ҳисобланиши ҳам аниқ кўрсатилган бўлиши керак.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижалари кўрсатадики, тижорат банклари контокоррент ҳисобрақамининг кредитли қолдиғига талаб қилиб олинадиган депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси даражасида фоиз тўлайди. Аммо, ушбу фоиз ставкасининг даражаси миждан билан келишилган бўлиши ва контокоррент кредитининг фоиз ставкаси даражаси билан маълум бир боғлиқликда бўлиши керак.

2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун, биринчидан, товар захиралари ҳисобидан қоплаш коэффициентининг даражасини ошириш ва дебитор қарздорликнинг айланишини тезлаштириш йўли билан уларнинг кредит тўловига лаёқатлилики даражасини ошириш зарур; иккинчидан, тўловга лаёқатлилиги юқори бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг тўлов мажбуриятлари юзасидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларни банкларнинг муддатли кредитлари ҳисобидан тўланишини йўлга қўйиш керак; учинчидан, давлат пенсия фонди ва давлат суғурта компанияларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларига паст фоиз ставкаларида, уларни кичик тадбиркорлик субъектларини кредитлашга йўналтириш шarti билан, муддатли депозит қилиб жойлаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 06/21/6325/0972-сон; 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон)

2. Стахнюк А.В. Малый бизнес: проблема доступности кредитов//Деньги и кредит. – Москва, 2010. - №3. - С. 25-26.

3. Сафарян В.Р. Факторинг как источник финансирования малых предприятий//Деньги и кредит. – Москва, 2013. – №2. – С. 73.
4. Мухаммад Юнус, Алан Жоли. Создавая мир без бедности: социальный бизнес и будущее капитализма. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2010. – 307 с.
5. Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и Кредит. - Москва, 2009. - № 5. – С. 60-61.
6. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 590-591.
7. Лаврушин О.И. Краткосрочное кредитование по укрупненному объекту в пределах кредитной линии. Банковское дело. Учебник. 12-ое изд. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 429-439.
8. Allen F., Gale D. Comparing Financial Sestems. – Cambridge, Mass: MIT Press, 2000. – P. 42.
9. Chanel-Reynaud G., Bloy E. La Banque et le risqué PME. – Presses Universitaires de Lyon, 2001. – P. 39-40.
10. Berbekova X.M. Prediction of Investment Processes in the Context of Cluster Diversification of the Problem Regions’ Economy//Environmental Quality Management. 2018. Vol 27, Issue 4. – P. 47-54/
11. Gronhaug K., Lorentzen T. Exploring the impact of governmental export subsidies // European Journal of Marketing. 1983. Vol. 17. No. 2. P. 5–12.
12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот//www.cbu.uz.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 октябрдаги ПҚ-5268-сонли Фармони. Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.10.2021 й., 07/21/5268/0997-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот//www.cbu.uz.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли Фармони. Инфляция таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.
16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот//www.cbu.uz.